
БУВАЙДАДА “ЁШЛАР ИЖОД МАРКАЗИ” ОЧИЛАДИ

Фарғона вилоят ҳокими Шухрат Ғаниевнинг Бувайда тумани ёшлари билан учрашувида уларнинг таклифи билан бир қатор иншоотлар қуриладиган бўлди.

Жумладан, Гулрухсор Мансурова ҳокимга туманда ёш ижодкорлар учун марказ ташкил этишни таклиф этди. Шу заҳотиёқ Шухрат Ғаниев бу объектга 1 млрд сўм ажратилишини эълон қилди. Моҳигул Хомидова таклифи ҳам қаноатлантирилди.

Туман мактабларига 50 минг нусха китоб совға қилинадиган бўлди. Тадбиркор Мафтуна Тошболтазода инглиз тили ўқитишга ихтисослашган мактабгача таълим ташкиллаб, очиш учун бино сўради. Унга энди бўш турган бино ажратилади. Бекатларда ёшлар учун электрон кутубхона ташкил этиш таклифи ҳам амалга оширилди.

Иқтидорли ижодкор Аъзам Ўктам (мархум) уй музейини ташкил этиш, нуроний ва ёшларнинг мулоқот марказини қуриш ҳақида билдирилган фикрлар ҳам қувватланди. Масалан, нуроний ва ёшлар мулоқот маркази қуриш учун 1 млрд сўм ажратилди.

Учрашув чоғида фаол ёшлар, мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчилар тақдирландилар.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-01-08 16:36:49